

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари бўйича проректор
_____Қ.Ғозиев
200__йил «__»_____

**«ЁШЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ГИГИЕНАСИ»
ФАНИДАН**

Бакалавриятнинг “Агрономия”
йўналиши учун

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИ

6-МАШҒУЛОТ

**МАВЗУ: ОДАМДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЭШИТУВ
ХОТИРАСИ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ**

Фаннинг ишчи ўқув дастури Фарғона давлат университетининг «Табиёт» факультети илмий кенгашининг 200__ йил «__»____ сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Бакалавриятнинг 5140900 «Информатика ва ахборот технологияси » мутахассислиги учун намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ўқитувчи С.Ахмаджонова

Такризчи:

б.ф.н., доц.Я.Ҳакимов

Фаннинг ишчи ўқув дастури «Табиёт» факультети
Илмий кенгашининг 2007 йил «__»____даги
«__» сон қарори билан тасдиқланган.

Илмий кенгаш раиси:

2007 йил «__»____ В.Каримов
(имзо)

Келишилди:

Кафедра мудири:

200__йил «__»____ М.Юнусов
(имзо)

6-МАШҒУЛОТ
МАВЗУ: ОДАМДА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЭШИТУВ
ХОТИРАСИ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ

Илмий фараз. Ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига одам ва олий ҳайвонларнинг индивидуал мослашувининг муҳим фактори ана шу ўзгаришлар тўғрисида олинган ахборотлар ва таассуротлар асосида орттирилган тажрибаларга мувофиқ равишда ўз феъл-атворини ўзгартириш қобилиятидир. Одам хотираси тафаккур ва онг асосида вужудга келувчи омил бўлиб, унинг руҳий камолоти асосини ташкил қилади. Ахборотларнинг ёдда сақланиш муддатига кўра, хотира қисқа ва узоқ муддатли хилларга ажратилади. Қисқа муддатли хотира ахборотларнинг ҳажми ва ёдга тушириш тезлиги, сақланиш мустаҳкамлиги ва хотира изларининг аниқ қайтадан тикланишини характерлайди.

Иш анжомлари: бир хонали рақамлардан тузилган жадвал. Шундай жадваллардан бири қуйида келтирилган.

Қатор №	Қатордаги сонлар миқдори									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	347	556	787	982						
2.	345	475	486	841	479					
3.	758	572	981	852	692	787				
4.	869	683	109	347	471	492	547			
5.	786	794	973	458	892	589	658	975		
6.	927	805	804	669	769	642	769	579	856	
7.	838	916	995	870	489	246	967	695	658	586
8.	649	627	496	982	952	679	856	596	569	797

Тажриба ўтказиш тартиби. Қисқа муддатли эшитиш хотираси ҳажмини аниқлаш учун кўп сонлар миқдори танлаб олиниши керакки, текширилаётган одам уни бир марта эшитишидаёқ, хотирасида сақлаши ва аниқ қайтариб бера олиши керак. Ишни гуруҳдаги барча студентларда бир вақтнинг ўзида олиб бориш мумкин. Ўқитувчи биринчи қатордаги сонларни ўқийди. Талабалар. уни тўла эшитиб олганларидан сўнг эслаб қолган сонларини дафтарларига ёзадилар. Сўнг ўқитувчи иккинчи қатордаги сонларни ўқийди, студентлар юқоридагидек, аввал эшитиб оладилар, сўнг дафтарларига ёзишади ва ҳ. к. Шундай қилиб, ҳамма қатордаги сонлар ўқилади ва студентлар хотирада сақлаб қолганларини ўз дафтарларига ёзадилар.

Шундан сўнг, ўқитувчи яна ҳамма қатордаги сонларни ўқиб қайтаради, талабалар дафтарига ёзган сонларни текширадилар. Агар 1,

2, 3-қаторлар тўғри ва аниқ кетма-кетликда ёзилган бўлсада, аммо 4-қаторда хатолик топилса, сонлар ўзгариб қолса, қатордаги сонлар нотўғри ёзилса, хотиранинг ҳажми кейинги қатордаги сонига тенг бўлади. Бу ерда 4-қаторда хатоликлар бор. 5-қаторни эса умуман эсали олмади. Демак, текширилувчида хотира ҳажми 5 га тенг.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Қисқа муддатли эшитув хотира ҳажми одамда ўртача 7 га тенг бўлади, шунинг учун ўзингизнинг хотирангиз ҳажмини ҳисоблаб, уни қисқа муддатли хотира ҳажмининг ўртача кўрсаткичи билан солиштиринг ва фоиз холида белгиланг.

Лаборатория машғулотига балл қўйиш

Агар талаба:

- 1) Ишга яхшилаб тайёрланса ва ишни режасида ёзилган ёки ўқитувчи айтган кўрсатмаларга аниқ риоя қилиб бажарса;
- 2) Топпириқда кўрсатилган барча тажрибаларни, вазифаларни очиқ равшан тушуниб, уларни мутлақо онгли суръатда мустақил бажарса;
- 3) Тайёргарликнинг шу босқичида бажарилиши керак бўлган барча биологик топпириқларни аниқ бажариб, бутун ишдан аниқ натижалар олса;
- 4) Машғулот жараёнида тўғри кузата олса, кузатилганларни тўғри ёза олса, расмлар, графиклар, жадвалларни тўғри чиза ва ёза олса, тўғри хулоса чиқара олса;
- 5) Бажарилган ишларни мутлақо мустақил суръатда бажарса ва бу ишда ташаббус кўрсатса, *бундай талабаларга қўйиладиган баллнинг 86-100% (5 баҳо) қўйилади.*

Агар талаба:

Айни ишга қўйиладиган юқори баллнинг 86-100% қўйиладиган даражада вазифани бажарса-ю, аммо:

- 1) Ишга тайёргарлик кўришда баъзи камчиликлари бўлса;
- 2) Вазифа ва тажрибаларни тавсилотларисиз бажарса;
- 3) Муҳим аҳамиятга эга бўлмаган аниқсизликларга йўл қўйса, *бундай талабаларнинг бажарган ишига қўйиладиган баллнинг 71-85% (4 баҳо) қўйилади.*

Агар талаба:

- 1) Топпириқда кўрсатилган барча вазифа ва тажрибаларни тўғри, аммо баъзи аниқсизликлар билан бажарча;
- 2) Талабада тайёргарликнинг шу босқичи учун зарур минимум амалий ўқув ҳамда малакалар бўлса;
- 3) Баъзи аниқсизлик билан бўлса ҳам тўғри кузата олса, кузатишлар натижасини тўғри ёза олса, расмларни тўғри чиза олса, тўғри хулосалар чиқара олса;

- 4) Талаба ташаббус кўрсатмай асосан, ўқитувчи ёрдами билан ишлашга ҳаракат қилса, *бундай талабанинг бажарган ишига қўйиладиган баллнинг 56-70% (3 баҳо) қўйилади.*

Агар талаба:

- 1) Tajрибаларни нотўғри бажарса;
- 2) Нотўғри кузатиш олиб борса, кузатишнинг нотўғри ёзиб олса, расмларни тўғри чиза олмаса ва нотўғри хулосалар чиқарса;
- 3) Техник воситаларни ҳеч қандай ёрдамсиз палапартиш ишлатса, *бундай талабанинг бажарган ишига қўйиладиган балл 50% гача (2 баҳо) қўйилади.*

Адабиётлар:

Асосий адабиётлар:

1. Шмидт Р., Тевс Г. и др. Физиология человека. В 4 кн. М., «Мир», 1985.
2. Ноздрачев А.Д. и др. Физиология нервной мышечной и сенсорной систем. 2 кн. М., «Высшая школа». 1991.
3. Физиология человека. Учебник под ред. Косицкого Г.И. М.: «Медицина», 1985.
4. Костюк П.Г. Физиология центральной нервной системы. Учебн. пособие. Киев: «Высшая школа», 1977.
5. Кодиров У.З. Одам физиологияси. Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1996.
6. Бабский Е.В. ва бошқалар. Одам физиологияси. Тошкент: «Медицина», 1972.
7. Под. ред. В.М.Покровского и Г.Ф.Коротко. Физиология человека. Т.1, 11. Москва: «Медицина», 2001.

Қўшимча адабиётлар:

8. Анохин П.К. Биология и нейрофизиология условного рефлекса. М.: «Медицина», 1963.
9. Асратян Э.А., И.П.Павлов: жизнь, творчество, современное состояние учения. М.: «Наука», 1981.
10. Бреслов И.С., Глебовский В.Д. Регуляция дыхания. Л.: «Наука», 1981.
11. Катц В. Нерв, мышца и синапс. М.: «Мир», 1968.
12. Котляр Б.И., Шульговский В.В. Физиология ЦНС. М.: МГУ, 1977.
13. Кудряшов Б.А. Биологические проблемы регуляции жидкого состояние крови и ее свертывание. М.: «Медицина».
14. Куффлер С., Никольс Дж. От нейрона к мозгу. М.: «Мир», 1979.
15. Мак-Мюррей У. Обмен веществ у человека. М.: «Мир», 1979.
16. Полтырев С.С., Курцина И.Т. Физиология пищеварения. Учебн. пособие. М.: «Высшая школа», 1984.
17. Розен В.В. Основы эндокринологии. Учебн. пособие. М.: Высшая школа, 1984.
18. Удельнов М.Г. Физиология сердца. М.: МГУ, 1975.
19. Фолков Б., Нил Э. Кровообращение. М.: «Медицина», 1976.

20. Основы сенсорной физиологии. Под. ред. Шмидта Р.М. М: «Мир», 1984.
21. Бабский Е.В., Зубков А.А., Косицкий Г.И. и др. Физиология человека. М: «Медицина», 1972.
22. Воронин Л.Г. Физиология высшей нервной деятельности. Учебн. пособие. М.: «Высшая школа», 1979.

**Талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш
ва назорат қилиш жадвали**

5-семестр

№	Назорат тури	Жами балл	семестр ҳафталари																				Якуний баҳолаш
			Назарий ўқиш																				
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
1	Жорий баҳолаш	45					9				9			9			9			9			
2	Оралиқ баҳолаш	40							20										20				
3	Якуний баҳолаш	15																				15	

